
Туман комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди

Маълумки, жорий йилнинг май ойида Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови ўтказилиши режалаштирилган. Бугун, 28 март куни Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда сайловни ташкил этишга кўмаклашувчи туман комиссиясининг иккинчи йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш кун тартибида тумандаги 72 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузиш масаласи кўриб чиқилди. Йиғилишни бошқариб борган комиссияси раиси Ҳ.Раҳимов маҳаллаларда тузилаётган ишчи гуруҳлар таркибини шакллантиришда ўзининг фидокорлиги, масъулиятлилиги, халқ орасида ўзининг яхши хислатлари билан обрў қозонган инсонларни жалб қилиш лозимлигига алоҳида эътибор бериш кераклиги қайд этилди. Эслатиб ўтамиз, жойларда фаолият олиб борадиган ишчи гуруҳи аъзолари ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар, гузарларда бўлиб, сайлов бўйича тушунтириш ишларини олиб борадилар.

2022-03-28 18:24:05